

ЮНУСОВ Ҳайдарли

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институти илмий ходими,*

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети*

*ЮНЕСКОнинг Халқаро ҳуқуқ ва инсон
ҳуқуқлар кафедраси доценти,*

юримик фанлар номзоди

e-mail: yunusovkm@gmail.com

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ХАЛҚАРО- ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИДА ИСЛОМ ОМИЛИ

ИСЛАМСКИЙ ФАКТОР В СОВРЕМЕННЫХ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ

THE ISLAMIC FACTOR IN THE MODERN INTERNATIONAL- LEGAL RELATIONS

Аннотация: Ушбу мақола халқаро-ҳуқуқий муносабатларда ислом омили масаласига бағишланган. Унда исломнинг замонавий халқаро алоқалар тизимидаги ўрни ва аҳамияти халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан таҳлил қилинади ва баҳоланади. Муаллифнинг фикрича, дунёда мусулмонларнинг муттасил кўпайиб бораётганлиги, аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этувчи давлатлар сонининг ортиб бориши, халқаро ислом ташкилотларининг фаоллашаётганлиги, халқаро шартномалар ва халқаро суд амалиётида ислом ҳуқуқи нормаларига ҳаволаларнинг тез-тез қўлланилаётгани ҳамда халқаро миқёсда ислом таълимотига қизиқишнинг кучайиб бораётганлиги бевосита ислом омили билан боғлиқ. Муаллифнинг ҳулосасига кўра, ислом дунёси ва тамаддуни, ислом давлатлари ва мусулмон мамлакатлари мавжуд экан, халқаро-ҳуқуқий муносабатларда ислом қадриятларини ўзида жамъ этувчи ислом омили бугун ва келажакда ҳам ўз аҳамияти сақлаб қолаверади.

Калит сўзлар: ислом, ислом ҳуқуқи, ислом омили, халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабатлар, халқаро шартномалар, суд амалиёти, халқаро ташкилотлар, тамаддун, индивид, диний эркинлик, ислом тадқиқотчилиги.

Аннотация: Статья посвящена проблеме исламского фактора в международно-правовых отношениях. Автор анализирует и оценивает роль и значение ислама в современной системе

международных отношений с точки зрения международного права. По мнению автора, рост числа мусульман в мире, увеличение числа стран с мусульманским большинством, активизация деятельности международных исламских организаций, частое применение ссылок на исламское право в международных договорах и международной юриспруденции, а также повышение интереса к исламским учениям напрямую связаны с исламскими факторами. Автор утверждает, что до тех пор, пока существуют исламский мир и цивилизация, исламские государства и мусульманские страны, исламский фактор, воплощающий исламские ценности международно-правовых отношений, будет оставаться важным сегодня и в будущем.

Ключевые слова: ислам, исламское право, исламский фактор, международное право, международные отношения, международные договоры, прецедентное право, международные организации, цивилизация, индивид, религиозная свобода, исламоведение.

Annotation: This article is devoted to the issue of the Islamic factor in international legal relations. It analyzes and evaluates the role and importance of Islam in the modern system of international relations from the angle of international law. According to the author, the growing number of Muslims in the world, the increasing number of Muslim-majority countries, the intensification of the activities of international Islamic organizations, the frequent application of references to Islamic law in international treaties and international jurisprudence, and the expending interest in Islamic teachings directly depend on Islamic factor. The author maintains that, as long as the Islamic world and civilization, Islamic states and Muslim countries exist, the Islamic factor, which embodies Islamic values of international legal relations, will remain important today and in the future.

Keywords: Islam, Islamic law, Islamic factor, international law, international relations, international treaties, case law, international organizations, civilization, individual, religious freedom, Islamic studies.

КИРИШ

Инсоният тарихини халқаро ҳуқуқсиз тасувиур этиб бўлмайди. Давлатчилик ва кишилик жамияти тараққиётининг турли босқичларида халқаро ҳуқуқ тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда барқарор ривожланишнинг кафолати бўлиб хизмат қилган ва ҳозир ҳам хизмат қилмоқда.

Халқаро ҳуқуқ ўз номи билан халқаро ҳуқуқ экан, у умуминсоний қадриятлар ва кенг

қўламли амалиётни ўзида тимсол қилиши лозим. Ва, албатта, у бугун ёки кеча пайдо бўлмаган, балки кўп асрлик умумбашарий амалиётни мужассам этади. Ислом ҳуқуқи ва унинг асосида тартибга солинган халқаро-ҳуқуқий амалиёт ана шу умумбашарий амалиётнинг узвий қисмидир.

Дунёни ларзага солган 2001 йил 11 сентябр воқеалари бир-бирига қарама-қарши икки хил назарий қарашни шакллантирди. Улардан бири – исломни тинчлик ва хавфсизликка таҳдид сифатида кўриш, иккинчиси эса – ундан умумбашарий тинчлик ва тараққиёт учун маданиятларо мулоқот, ўзаро тушуниш, бағрикенглик ва ҳамкорлик йўлида фойдаланиш.

Теран тафаккур тарафдорлари, албатта, иккинчи ёндашувни қўллаб-қувватлайдилар. Чунки, бугунги кунда ислом омилининг халқаро-ҳуқуқий муносабатлардаги ўрни ва аҳамиятини инкор этишнинг имкони йўқ. Ҳуқуқ ҳар доим миллий ва халқаро умуминсоний қадриятлари учун хизмат қилиб келган ва ҳамма жойда бир хил мазмун ва моҳият касб этади. Ислом ҳам ўша қадриятларнинг бир бўлагидир. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи, гарчи ғарб концепцияси устига қурилган бўлса-да, у фақат ғарбча эмас. Бу ҳуқуқ ғарб ва шарқ дунёсининг ўзаро таъсири натижасида шаклланган ва ривожланган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Исломнинг замонавий халқаро алоқалар тизимидаги ўрни ва аҳамияти халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан бир қатор омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, ҳозирги кунда дунёда мусулмонлар сони салкам 1.8 миллиардни ташкил этмоқда. Халқаро диний эркинлик бўйича Қўшма Штатлар комиссиясининг махсус маърузаси маълумотларига кўра, 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 9.3 млрд. нафарга етади. Унда мусулмон аҳолининг улуши – 2.8 млрд. (30 фоиз), насронийларники эса – 2.9 млрд. нафар (31 фоиз) бўлиши кутилмоқда [1]. Шу тариқа, биринчи марта ер юзидаги мусулмон ва насронийлар жамоаси сон жиҳатдан деярли тенглашади.

Тарихий шарт-шароит тақозоси билан ислом нури курраи заминнинг барча сарҳадларига етиб борган. Исломга эътиқод қилувчи кишилар ер шарининг ҳамма қитъаларида ва дунёнинг

турли бурчакларида истиқомат қилишади. XIX асрда АҚШга қул сифатида келтирилган мусулмонлар сони бор-йўғи бир неча юзталикни ташкил этарди. Уларнинг сони 1920 йилларда – 60 мингга, 1995 йилда – 1 миллионга етган бўлса, 2010 йилда АҚШда истиқомат қилаётган мусулмонлар сони 6 млн. нафардан ошиб кетди [2:446].

Ислом 48 та давлатни қамраб олган Европа минтақасида иккинчи ўриндаги энг кўп тарқалган диндир. 80 миллион аҳолига эга Туркияни истисно этганда, бугун кўҳна китъада 25 миллион мусулмон истиқомат қилади [3:562]. Бироқ, мусулмонлар сонидан қатъий назар, ислом бугунги Европа сиёсатининг асосий мавзуларидан биридир.

Мусулмонларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи Осиёда яшайди ва бу қитъа аҳолиси умумий миқдорининг 20 фоизини ташкил қилади. Африка аҳолисининг деярли ярми, яъни 50 фоизи исломга эътиқод қилувчи кишилардир.

Бу ерда гап исломнинг диний эътиқод сифатидаги қамровини миқдорий кўрсаткич орқали ифодалаш ҳақидагина эмас. Бугунги кунда дунёдаги ҳар учта сиёсий қочоқ ва муҳожирнинг – биттаси, ҳар учта камбағал-қашшоқнинг – биттаси мусулмон эканини инобатга олсак, мусулмонлар жаҳон сиёсатининг ҳам субъекти, ҳам объекти сифатида намоён бўлади. Қолаверса, ислом ҳуқуқи индивидни энг бошидан халқаро ҳуқуқ субъекти мақомида кўради. Шу боис, мусулмонлар сонининг тез ошиб бораётганлиги индивидни халқаро ҳуқуқнинг субдинамик субъектига айлантирмоқда.

Исломда давлатнинг индивид олдидаги халқаро-ҳуқуқий жавобгарлиги белгилаб қўйилган. Ислом ҳуқуқида давлат нафақат мусулмонлар, балки зиммийлар, яъни ўз ҳудудида яшаётган ўзга дин вакиллари олдида ҳам жавобгар ҳисобланади.

Иккинчидан, ислом давлатлари бугунги халқаро муносабатлар тизимининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Авваллари улар қоқоқ мустамлака ҳолатида халқаро ҳуқуқнинг иккинчи даражали субъектлари ҳисобланар эди. Совет Иттифоқи ва Югославиянинг парчаланиши натижасида Марказий Осиё ва Болқон яриморлида янги мусулмон мамлакатлари пайдо бўлди. Бу, албатта, икки томонлама алоқалар қамровини ислом омиллари ҳисобига кенгайганлигини

англатади. Чунки, кўпгина мусулмон давлатларида ислом омили уларнинг ташки сиёсати ва халқаро алоқаларининг узвий қисмидир. Аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил қиладиган дунёдаги 47 та давлатнинг 28 тасида – ислом дини давлат дини сифатида эътироф этилади, 22 тасида – ҳуқуқ тизими шариат қонунчилиги асосида амал қилади.

Учинчидан, халқаро алоқалар тизимида кўп томонлама дипломатия доирасида ислом халқаро ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти ошиб бормокда. Ўтган аср 70-йилларининг охири ва 80-йилларининг бошида халқаро алоқаларда ҳукумат ва ноҳукумат характердаги мусулмон тузилмалар муайян роль ўйнай бошлади. Жаҳон сиёсатида исломнинг нуфузи асосан мусулмон давлатларининг, айниқса, ислом давлат дини деб эълон қилинган давлатларнинг ва уюшмаларнинг халқаро фаолияти орқали намоён бўлмокда. Ислонинг диний ва маънавий-ахлоқий негизлари асосида бирлашиш мақсадини кўзловчи ислом бирдамлик ҳаракати халқаро майдонда ислом нуфузини мустаҳкамлаётган тузилмалардан биридир. Мусулмон мамлакатларининг бирдамлиги ғояси турли даражада бир қанча халқаро ташкилотлар таъсис этилишининг ўзига хос тимсоли бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги кунда “ислом халқаро ташкилотлари оиласи”га Араб давлатлари лигаси (LAS) ва унинг ҳузуридаги Таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ALESCO), Тараққиётга қўмаклашувчи Ислон бирдамлик жамғармаси (ISFD), Ислон шариат ҳайъати (ISBs), Атроф-муҳит вазирликлари конференцияси (ICEM), Гуманитар ишлар соҳасида ислом конференцияси (ICHAD), 1968 йилда ташкил этилган Нефть экспорт қилувчи араб мамлакатлари ташкилоти (ОАРЕС), Ислон ҳамкорлик ташкилоти (OIC) ва у билан биргаликда фаолият кўрсатувчи 17 та бириктирилган ташкилотлар ва 7 та ихтисослашган муассасалар, Ислон банклари халқаро уюшмаси, Жаҳон ислом таълими маркази, Ислон адолат суди, Ислон ҳуқуқшунослари ташкилоти, Форс кўрфази араб давлатларининг ҳамкорлик кенгаши ва бошқалар қиради [4:3-4].

Айни пайтда халқаро ташкилотлардаги мусулмон давлатларининг сони муттасил ошиб

бормокда. БМТ ташкил этилган пайтда (1945 йил) унинг дастлабки 51 та аъзо давлатининг 7 таси (Миср, Эрон, Ироқ, Ливан, Саудия Арабистони, Сурия, Туркия), яъни 14 фоизи – аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган давлатлар (Muslim-majority countries) эди. Орадан уч йил ўтиб, 1948 йилда БМТдаги мусулмон давлатлар сони 17 фоизга етди. Ҳозирги пайтда БМТ аъзолари умумий сонининг 30 фоизини аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган давлатлар ташкил этади.

Аъзолари сони ва жуғрофий қамрови нуқтаи назаридан БМТдан кейинги энг йирик халқаро ташкилот – Ислон ҳамкорлик ташкилоти (Organization of Islamic Cooperation)дир. У даставвал Ислон конференцияси ташкилоти (Organization of Islamic Conference – OIC) мақомида 1969 йил 25 сентябрда Марокашнинг пойтахти Рабатда таъсис этилган, бироқ унинг низоми сал кейинроқ, 1972 йил февралда имзоланиб, 1973 йил 28 февралда кучга кирган ҳамда 2011 йил 28 июнда Ислон ҳамкорлик ташкилотига айлантирилган. Ҳозирда Жидда шаҳри (Саудия Арабистони) унинг пойтахтидир, аъзо давлатлар сони – 57 та [5].

Ислон ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) таркибига ташкилотга бириктирилган институтлар (affiliated institutions), ихтисослашган институтлар (specialized institutions) ва ташкилотнинг ёрдамчи органлари (subsidiary organs) каби тузилмалар қиради [6].

Араб давлатлари Лигаси (League of Arab States – LAS) 1945 йил 22 мартда Қоҳирада ташкил этилган ва ҳозирги кунда аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган 22 та давлатни қамраб олади [7]. Эритрея (мусулмон аҳолининг улуши – 80 фоиз), Ҳиндистон (14 фоиз), Бразилия (0.6 фоиз) ва Венесуэла (0.5 фоиз) ташкилот ҳузурида қузатувчи мақомига эга.

2001 йил 15 июнда асос солинган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (Shanghai Cooperation Organization – SCO)нинг 8 та аъзо давлатининг 5 таси (Россия, Хитой ва Ҳиндистондан ташқари) аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил қиладиган давлатлардир. Россия ва Ҳиндистонда ҳам ислом динига эътиқод қилувчи аҳоли сезиларли салмоққа эга (тегишли тартибда 18 ва 14 фоиз).

Ҳозирги замон халқаро муносабатлари тизимида ислом халқаро нодавлат ноҳукумат

ташкilotлари ҳам сезиларли роль ўйнайди. 1926 йилда ташкил этилган Бутунжаҳон ислом конгресси (БИК), 1926 йилда асос солинган Бутунжаҳон ислом лигаси – “Робита”, Европа ислом кенгаши, таълим соҳасида фаолият кўрсатувчи Бутунжаҳон ислом университетлари федерацияси (БИУФ/FUIW), Ислам университетлари лигаси (ИУЛ/IUL), Бутунжаҳон мусулмонлари лигаси (БМЛ/MWL) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ислам ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га алоқадор халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг сони 18 та бўлиб, улар иқтисод ва молия, фан ва таълим, маданият ва спорт, ёшлар масаласи ва бошқа соҳаларда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мусулмон мамлакатлари бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ҳам халқаро муносабатларда, айниқса, иқтисодий ҳамкорликда иштирок этади. ИХТга аъзо давлатларнинг аксарияти Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг тўлақонли аъзолари ҳисобланади. Энг кўп мусулмон аҳолисига эга Индонезия, Туркия ва Саудия Арабистони “Катта йигирматалик” (G20)нинг, Туркия, айни вақтда, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг аъзосидир.

Айни пайтда ислом ташкилотларининг халқаро норма ижодкорлигидаги иштироки ҳам фаоллашмоқда. Ислам ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) дин ва диний эътиқодни камситиш ва ҳақоратлашга қаратилган хатти-ҳаракатларни олдини олиш ва бунинг учун жиноий жавобгарликка тортиш бўйича бир қатор халқаро-ҳуқуқий ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, ИХТнинг ташаббуси билан БМТ Инсон ҳуқуқлари Кенгаши томонидан дин ва диний эътиқодни ҳақоратлашга қарши 3 та резолюция қабул қилинган [8]. Кўриниб турибдики, ислом ташкилотларининг кенг қамровли фаолияти ва улар доирасидаги халқаро ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганлиги ҳам халқаро-ҳуқуқий муносабатларда ислом омилининг аҳамиятини оширмоқда.

Тўртинчидан, 2001 йил 11 сентябрь воқеалари маданиятлараро мулоқот ва исломнинг туб моҳиятини тушунишга бўлган интилиш ва унга нисбатан эътиборни кучайтирди. Ҳақиқий ислом – маърифий исломни глобал миқёсда тадқиқ этиш ва ёйиш ҳаракати кузатишмоқда. Бу борада мусулмонлар томонидан ҳам, ғарбнинг илғор академик ва

сиёсий гуруҳлари томонидан ҳам ижобий қадамлар ташланмоқда.

Исламнинг, жумладан, ислом ҳуқуқининг моҳиятини чуқур ва изчил илмий изланишларсиз англаб бўлмайди. Шу мақсадда дунёда бир қатор университетлар, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари исломшуносликнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатмоқда.

Европа мисолида, Лондонда жойлашган “Ал-Фурқон ислом мероси жамғармаси” – ислом ёзма манбаларини асраб-авайлаш ва уларни ўрганиш мақсадида ноёб қўлёзмаларни нашрга тайёрлайди ва чоп этади. Унинг қошида “Ислам ҳуқуқи фалсафаси тадқиқотлари маркази” фаолият кўрсатади. Оксфорд университетининг Ислам тадқиқотлари маркази исломшунослик соҳасидаги йирик тадқиқот маркази ҳисобланади. Лондонда жойлашган “Ислам таълимотлари халқаро институти”, “Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби”, Лестердаги “Буюк Британия ислом академияси”, Макфильдда жойлашган “Ислам жамғармаси”, Кембридж ислом қўлёзмалари жамияти, Бирмингемда жойлашган “Қуръоний араб жамғармаси”, Германиядаги Александр-Фридрих университети қошидаги Европада ислом ва ҳуқуқ тадқиқотлари Эрланген маркази, Берлин озод университети ҳузуридаги Ислам тадқиқотлари институти, Ислам ва Яқин Шарқ ҳуқуқини ўрганиш бўйича Нидерланд уюшмаси, Лейден университети кутубхонасининг Шарқшунослик бўлими, Ван Валленховен институти ва Амстердам университетининг Ислам Яқин Шарқ тиллари ва маданияти факультети, Парижда жойлашган Шарқ тиллари ва маданиятлари миллий институти (INALCO), Экс-Провинс (Франция)да жойлашган Араб ва мусулмон дунёси бўйича таълим ва тадқиқот институти (IREMAM) шулар жумласидандир.

Шимолий Америка ва Канадада – Ҳарвард юридик мактаби ҳузуридаги Ислам ҳуқуқий тадқиқотлари дастури шариат манбалари порталига мезбонлик қилади [9] ва ислом ҳуқуқи бўйича китоблар ва мақолалар нашр этиб боради. Ҳарвард университетининг Ал-Валид ислом тадқиқотлари дастури, Виржиниядаги Шимолий Америка Ислам жамғармаси, Калифорния ислом университети, Калифорниядаги Зайтуна институти, Ислам тарихи ва маданияти Америка институти, Канададаги МакГилл университети

хузуридаги Ислом тадқиқотлари институтида исломшуносликнинг долзарб муаммолари ўрганилади.

Осиё ва Яқин Шарқ мисолида, Истанбулдаги Ислом тарихи, санъати ва маданиятини ўрганиш тадқиқот маркази, Доҳада жойлашган Ислом қонунчилиги ва ахлоқи меъёрларини ўрганиш маркази, Мисрдаги ал-Азҳар университети, Саудиядаги Мадина ва Макка университетлари, Эрондаги Техрон университети, Ҳиндистондаги Алигарх Ислом университети, Деҳлида жойлашган “Фан ва атроф-муҳит тадқиқотлари ислом жамғармаси”, Кашмир университетининг Ислом тадқиқотлари институти, Кашмир университети қошидаги Марказий Осиё тадқиқотлари маркази, Покистондаги Чуқурлаштирилган ҳуқуқий тадқиқотлар институти (ушбу институт инглиз тилида ислом ҳуқуқини ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган), Исломбоддаги Халқаро ислом университети, Ислом ҳуқуқи ва ҳуқуқий меросини ўрганиш маркази (марказ Ҳанафия мазҳабига мансуб мумтоз адабиётларни инглиз тилида нашр этади ва замонавий ҳуқуқий муаммоларга ечим топишга ҳаракат қилади), Бангладешдаги Ислом таълимоти Бангладеш институти ва Ислом ҳуқуқи тадқиқотлари маркази, Малайзиядаги Халқаро ислом университети, Куала Лумпурдаги Ислом таълимоти ва цивилизациясини ўрганиш халқаро институти ислом тадқиқотчилиги соҳасида ном чиқарган муассасалардир.

Ўзбекистонда ҳам охириги йилларда буюк мутафаккир аждодларимиз асос солган илмий мактаблар ва йўналишлар давомийлигини таъминлаш, олий ва ўрта махсус диний таълим ўқув юртлари, илмий тадқиқотлар марказларини юқори илмий савия ва малакага эга мутахассислар билан таъминлаш мақсадида бир қатор таълим ва илмий-тадқиқот марказлари таъсис этилди.

Тан олиш керакки, бугунги кунда исломшунослик соҳасидаги замонавий тадқиқотларнинг асосий салмоғи ғарб илмий тадқиқот марказлари ҳисобига тўғри келмоқда ёки дунёда инглиз тилининг кенг ёйилгани боис, тадқиқот натижаларининг аксарияти инглиз тилида оммалашмоқда. Бу, албатта, ислом кадриятларининг ғарб томонидан англаб

олинишида ижобий омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бешинчидан, ислом ҳуқуқи нормалари халқаро-ҳуқуқий амалиётда ҳам ўз ҳолича намоён бўлмоқда. Ислом давлатлари билан тузиладиган халқаро шартномаларда ислом ҳуқуқи нормаларининг тўғридан-тўғри истифодини учратиш мумкин. Энг эътиборлиси, халқаро суд амалиётида ҳам халқаро суд инстанциялари томонидан ислом ҳуқуқи принципларига мурожаат қилиш ҳолатлари тез-тез кўзга ташланмоқда.

Халқаро суд статутининг 38-моддаси халқаро ҳуқуқ манбалари сифатида ҳуқуқнинг умумий принциплари ҳақида эслатиб ўтади. Шу ўринда, ислом ҳуқуқининг умумий принциплари билан улар қанчалик уйғун, деган саволнинг ўртага чиқиши, табиий.

Халқаро ҳуқуқий амалиёт ислом ҳуқуқининг бир қатор принципларининг халқаро ҳуқуқ принциплари билан уйғунлигини тасдиқлайди. Халқаро судлар амалиётида ислом ҳуқуқи тамойилларига бевосита ва билвосита ҳавола қилишлар учрайди. Зотан, 1969 йилгача БМТнинг Халқаро одил суди (ХОС) ислом ҳуқуқи манбалари ва тамойилларига мурожаат қилмаган эди. Биринчи марта 1969 йилда “Шимолий денгиз континентал шельфи” иши бўйича суд ишида ХОС ҳаками Аммонснинг ҳулосасида суд ўз қарорини кучайтириш ва унга янада қонуний характер бериш учун ислом ҳуқуқига ҳавола қилиши кераклиги таъкидланади [10:131-141]. Кейинчалик, ХОСнинг 1978 йилдаги “Эгей денгизи континентал шельфи” бўйича суд ишида ислом ҳуқуқи тамойилларига мурожаат қилган ҳакам Тарозийнинг муҳолиф фикри, 1992 йилдаги “Локкерби” ишида Ал-Коширийнинг муҳолиф фикри, 1996-1997-йиллардаги “Ядровий куруллар” ва “Табчикова-Надьмарош” суд ишларида ҳакам Вирантнинг муҳолиф фикри, 2001 йилдаги “Қатар Бахрейнга қарши” суд ишида ҳакам Кужиманнинг муҳолиф фикри, 2000 йилдаги “1999 йил 10 августдаги ҳаво ҳалокати/Покистон Ҳиндистонга қарши” суд ишида Авн ал-Хасавнанинг муҳолиф фикрлари суд қароридан жой олган [11].

Суд ҳакамлари икки марта кўпчилик овоз билан ислом ҳуқуқига ҳавола қилган ҳолда қарор қабул қилган. Булар 1975 йилдаги

“Ғарбий Саҳара” ва 1980 йилдаги “Ғаровлар” суд ишидир. “Ғарбий Саҳара” (“Ғарбий Саҳара Мавританияга қарши ва Ғарбий Саҳара Марокашга қарши”) ишида Марокаш тўғридан-тўғри сияр – ислом халқаро ҳуқуқи тамойилларига ҳавола қилиб, ўз позициясини ҳимоялайди [12], 1980 йилдаги “Ғаровлар” суд иши да эса суд ислом ҳуқуқига очиқ ва тўғридан-тўғри ҳавола қилади [13]. Унда “ислом анъаналари”нинг халқаро шартномалар ҳамда дипломатик миссияларнинг ҳимояси ва дахлсизлиги принципларининг шаклланиши ва ривожланишига кучли таъсир қилгани таъкидланган. Суд низо томони ислом давлати бўлгани боис, мана шундай ёндашув танлаганини тушунса бўлади, бироқ бу ерда гап замонавий халқаро ҳуқуқий режим ислом анъаналаридан фарқли эмаслигини эътироф этиш ва халқаро-ҳуқуқий тартиботда улар инкор этилмаслиги лозимлигининг таъкидланишида эди [14:33].

Низо томонининг бири мусулмон давлат бўлган ҳолатда диний омилни ҳам эътиборга олиш ва ислом ҳуқуқига ҳавола қилиш тенденцияси Ливия ва Индонезия иштирок этган низо ҳамда ХОС томонидан кўриб чиқилган бошқа ишларда ҳам кўзга ташланади [15].

Олтинчидан, ҳозирги кунда исломнинг ўзи умуминсоний қадриятларга асосланган халқаро-ҳуқуқий стандартларга очиқлигини намоён этиш орқали замонавий халқаро-ҳуқуқий тизимга интеграциялашиб бормоқда. Бу ҳолат ислом давлатларининг инсон ҳуқуқлари, демократия, ҳуқуқий давлат ва оқилона бошқарув бўйича халқаро стандартларни қабул қилиши ва уларни амалиётга жорий этишдаги интилишларида кўринмоқда.

Буларнинг барчаси исломнинг ҳозирги дунё эврилишларига ҳамнафаслиги, ўзгаришлар даври чақириқларига ҳозиржавоблиги, ўзга маданият ва тамаддунларга очиқлиги, энг асосийси, тараққиёт ва истиқбол учун пешволигидан дарак беради.

ХУЛОСА

Бугунги халқаро-ҳуқуқий тартибот ва халқаро ҳуқуқ таълимотида ислом омили инкор этилмас аҳамиятга эга. Ислми омили халқаро-ҳуқуқий муносабатларга бевосита

таъсир этувчи кучга айланиб бормоқда. Ислми ҳуқуқининг таъсири халқаро-ҳуқуқий норма ижодкорлигида, халқаро ташкилотлар ҳуқуқи ва амалиётида, халқаро экология ҳуқуқи, дипломатик ва консуллик ҳуқуқи, халқаро гуманитар ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари ва бошқа соҳаларда тобора кўпроқ сезилмоқда. Бугунги кунда ислом омили айрим ислом давлатлари орасида муайян соҳалардаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи минтақаости ҳуқуқий тизим – ислом халқаро ҳуқуқи учун асос бўлиб хизмат қилади.

Замонавий халқаро-ҳуқуқий муносабатлар тизимида ислом омили қуйидагича баҳоланиши мумкин:

биринчидан, дунёда мусулмонлар сонининг муттасил ошиб бораётганлиги ҳамда индивиднинг халқаро ҳуқуқ субъектига айланиб бориши асносида халқаро-ҳуқуқий муносабатларда ислом омили янада кучлироқ намоён бўлмоқда;

иккинчидан, ислом ташкилотлари аъзолик ва ҳудудий қамров нуктаи назаридан ўзаро чатишиб, ягона интеграциялашган тизимга айланиб бормоқда. Мазкур ташкилотларнинг мақсад ва вазифаларидаги кесишмалар уларнинг фаолиятларини янада яқинлаштиради ҳамда ягона мақсад томон йўналтириб, функционал тизимлаштириш имконини беради. Охирги пайтларда ислом ташкилотлари доирасида халқаро ҳамкорликнинг кучайиб бораётганлиги ислом халқаро ҳуқуқи объектининг кўламини янада кенгайтirmoқда. Ушбу ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш ва бошқаришга қаратилган нормалар йиғиндиси ислом халқаро ташкилотларининг институционал ҳуқуқини вужудга келтириши мумкин. Бугунги кунда амал қилиб келаётган “БМТ ҳуқуқи”, “Европа Иттифоқи ҳуқуқи” каби “Ислми ташкилотлари ҳуқуқи” ҳам глобал институционал бошқарув тизимидан жой олишга ҳақлидир;

учинчидан, ҳақиқий ислом – маърифий исломни глобал миқёсда тадқиқ этиш ва ёйишга бўлган ирода ва интилиш халқаро ҳуқуқ истиқболини белгилаб берувчи омиллар қаторида ислом омилини ҳам табиий равишда юзага чиқармоқда;

тўртинчидан, халқаро суд инстанцияларида ислом халқаро ҳуқуқи тамойилларига мурожаат ва ҳаволаларнинг тобора кенг қўлланилаётганлиги, шубҳасиз, халқаро

суд амалиётида ислом омилининг муносиб эътирофидан дарак беради.

Ислом дунёси ва тамаддуни, ислом давлатлари ва мусулмон мамлакатлари мавжуд экан, уларнинг халқаро алоқаларини юритишда ислом кадриятларини ўзида жо этувчи ислом омили бугун ва келажакда ҳам ўз аҳамияти сақлаб қолаверади.

Халқаро ҳуқуқ ва халқаро-ҳуқуқий муносабатлар тизимида ислом омили нафақат Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларида, балки бутун дунёда етарлича ўрганилгани йўқ. Зотан, ислом жаҳон маданияти ва тамаддунининг бир бўлаги, ислом ҳуқуқи ўша бўлагнинг ажралмас қисмидир. Ҳуқуқий маданият эса ҳар қандай маданиятнинг марказида ётадиган унсурдир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг мусулмон мамлакатлари, айниқса, араб давлатлари билан алоқаларида исломий кадриятлар муҳим аҳамият касб этади, чунки мазкур давлатларнинг ташқи алоқалари шариат ва ислом халқаро ҳуқуқи (сияр) таълимотининг туб тамойилларига асосланади. Шу маънода замонавий халқаро-ҳуқуқий муносабатларда ислом омилини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан миллий манфаатларимизга тўлиқ мос келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Special Report of the United States Commission on International Religious Freedom (USCIRF): <https://www.uscifr.gov/reports-briefs/special-reports>
2. A History of Islam in America. By Kambiz Ghanea Bassiri. New York: Cambridge University Press, 2010. – 446 pp.
3. Yearbook of Muslim in Europe. By Jorgan S.Nielson, S.Akgonul, A.Alibasic, and B.Marechal. – Leiden: E.J.Brill, 2009. – 562 pp.
4. Leslie A. Pal & M.Evren Tok. Global Governance and Muslim Organizations. – Palgrave Macmillan, 2019. – 722 pp. – P. 3-4.
5. 2012 йил 15 августда Суриянинг ИХТдаги аъзолиги вақтинчалик тўхтатилди.
6. Маълумотлар ИХТнинг расмий сайтидан олинди: <https://www.oic-oci.org/home/?lan=en>. Мурожаат қилинган сана: 21.12.2021.
7. 2011 йил 12 ноябрдан Суриянинг аъзолиги вақтинчалик тўхтатилди.
8. Resolution 7/19, Combating Defamation of Religions, Doc. A/HRC/7/L.11, 28 March 2008; Resolution amending the mandate of the Special Rapporteur on the Promotion and Protection of the Right to Freedom of Opinion and Expression to report also on instances in which abuse of the right to freedom of expression constitutes an act of racial or religious discrimination (Resolution 7/36, Mandate of the Special Rapporteur on the Promotion and Protection of the Right to Freedom of Opinion and Expression, Doc. A/HRC/7/L.11/Add.1, 28 March 2008); Human Rights Council Resolution on Combating Intolerance, Discrimination, and Violence Based on Religion or Belief (A/HRC/Res 16/18, 12 April 2011).
9. Program in Islamic Law at Harvard Law School (PIL): <https://beta.shariasource.com/>
10. North Sea Continental Shelf Cases. (Germany/Denmark; Germany/Netherlands). Judgement, ICJ Report 1969, 3, Separate opinion of Judge Ammouns. 101 at 131-141.
11. Aegean Sea Continental Shelf (Greece vs. Turkey). Judgement, Jurisdiction, ICJ Reports 1978, 3, Separate Opinion of Judge Tarazi, 55 at 56.; Question of Interpretation and Application of the 1971 Montreal Convention arising from the Aerial Incident at Lockerbie (Libya v. United Kingdom; Libya v. USA). Order, Request for the indication of Provisional Measures, ICP Reports 1992, 3 resp. 114, Dissenting opinion of Judge ad hoc El-Kosheri, 94, at 112 resp. 199 at 217; Legality of the Threat or Use of Nuclear Weapons, Advisory Opinion, ICJ Reports, 1996, 226, Dissenting Opinion of Judge Weeramantry, 429 at 481; Gabchikova-Nagymaros Project (Hungary v. Slovakia), Judgement, ICJ Reports 1997, 7, Separate Opinion of Judge Weeramantry, 88 at 108; Maritime Delimitation and Territorial Questions between Qatar and Bahrain (Qatar v. Bahrain), Merits, Judgement, ICJ Reports 2001, 40, Separate Opinion of Judge Koojimens, 225 at 228; Aerial Incident of 10 August 1999 (Pakistan v. India), Jurisdiction of the Court, Judgement, ICJ Report 2000, 12, Dissenting Opinion of Judge al-Khasawneh, 48, at 53-54.
12. Western Sahara, Advisory Opinion, ICJ Reports 1975, 12.
13. United States Diplomatic and Consular Staff in Tehran (USA v. Iran), Judgement, ICJ Report, 1980, 3.
14. Awn S. Al-Khasawneh. Islam and International Law. Islam and international law: Engaging Self-Centrism from a Plurality of Perspectives. Frick, Marie-Luisa, Müller, Andreas Th. 2013, Leiden: Martinus Nijhoff Publishers. – 468 pp. – P.33.
15. Territorial Dispute (Libya v. Chad), Judgement, ICJ Reports, 1994, 6 at 13.; Sovereignty over Pulau Ligitan and Pulau Sipadan (Indonesia v. Malaysia), Judgements, ICJ Reports 2002, 625 at 669.